

“Нажот-таълимда, нажот-тарбияда, нажот-билимда” шиори остида тадбир ўтказилди



Республика Маънавият ва маърифат маркази Термиз тумани бўлинмаси томонидан тумандаги 34-сонли умумтаълим мактабида “Нажот-таълимда, нажот-тарбияда, нажот-билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия орқали эришилади” шиори остидаги маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар юртимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга берилаётган имконият ва шарт-шароитларга тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, тадбирда иштирок этаётган ота-оналарга фарзандлари таълим-тарбиясига эътиборини кучайтириш, билим олишда қўшимча имкониятларни яратиш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.